

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

ФЕРУЗА МУҲИДИНОВА

**ҚАДИМ ЮНОН ҲАМДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ
МУТАФАККИРЛАРИ ҚАРАШЛАРИДА
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ
ТАСАВВУРЛАР, ҒОЯЛАР...**



Тошкент – 2005

Услубий кўлланма ТДЮИнинг илмий услубий кенгашида 2005 йил 29 сентябр 1-сонли баённомаси билан муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

Феруза Муҳиддинова. Қадим юнон ҳамда Марказий Осиё мутафаккирлари қарашларида фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурлар, ғоялар...Услубий кўлланма/Масъул муҳаррир ю.ф.д.проф. Ҳ.Б.Бобоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. -38 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

Тақризчилар: юридик фанлар номзоди доцент. А.Ш.Жузжоний.
филология фанлар номзоди, ҳуқуқшунос. Б.Ражабова

Мазкур рисолада Ўрта Осиёлик буюк мутафаккир Абу Наср Форобий, ҳамда шарқ мутафаккирлари таълимотининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари шаклланишига катта таъсир этган юнон олимларининг жумладан, Афлотун ва Арастуниг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатларини ёритишга ҳаракат қилинди.

Шу билан бирга қадим юнон ҳамда Марказий Осиё мутафаккирлари қарашларида фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурларнинг асослари таҳлилий, киёсий ўз ифодасини топган. Ушбу рисола ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича таълим олаётган ҳуқуқшунос бакалавр, ҳамда магистратура тингловчиларига, ҳамда мутафаккирлар ижодига қизиқувчи китобхонларга сиёсий-ҳуқуқий таълимотлардан сабоқ олишлари учун мўлжалланган. Рисола ТДЮИ «Давлат ва ҳуқуқ тарихи» кафедрасида тайёрланди. Тошкент давлат юридик институти ўқув-услубий кенгаш томонидан чоп этишга тавсия қилинган.

© Ф.Муҳиддинова.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2005 й.

Сўз боши

Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тархун ал-Форобий ат-Туркий 873 йилда Арис сувининг Сирдарёга қуйиладиган жойидаги Фороб қишлоғида таваллуд топган. 950 йилда Дамашқда вафот этган). Тадқиқотларга кўра, бу жой Шош (Тошкент)дан шимолроқда жойлашган бўлиб, у ерда асосан туркий қабилалар яшаганлар ва бу жой кейинчалик Ўтрор деб ҳам юритилган. Форобийнинг отаси Васиж шахрининг Фороб туманидан ер олиб, жойлашиб қолган, ўғуз ва қарлуқ қабиласидан чиққан турк-ҳарбий бошлиқларидан бири бўлган, деган тадқиқот хулосалари мавжуд. Мутафаккирнинг болалиги шу ҳудудларда ўтган бўлиб, у ёшлик чоғидаёқ саводини чиқарган ва мавжуд илмлардан сабоқ олган. Тадқиқотларга таяниб қайд этиш лозимки, Ўрта Осиёда (Мовароуннаҳрда) болаларни 5 ёшдан бошлабоқ савод чиқариш ва илмга ўрганишга берганлар. Шубҳасиз, Абу Наср истеъдодли, зехни ўткир бўлгани боис унинг илмга қизиқиши жуда кучли бўлган. Бу иштиёқни қондириш мақсадида дастлаб Фороб, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида таҳсил олган, кейинчалик у ўз юртини тарк этиб, илм-фан билан боғлиқ ҳаёт қайнаб-тошган шаҳарлар (Боғдод, Қоҳира, Дамашқ, Алеппо ва бошқа жойлар)га сафар қилади. Форобий ушбу юртларда одамлар ва жамият ҳаёти билан танишади, турли миллат ва диний эътиқодга мансуб олиму-фузалолардан илмнинг турли соҳалари (фалсафа, тиб, мусиқа ва бошқалар) бўйича таълим олади, ўзи учун жуда муҳим бўлган илмий ва, айниқса, ҳаётий хулосаларни чиқаради. Бу унинг қатор илмий рисоалари ва фалсафий-ҳуқуқий қарашларида ўз аксини топади.

Форобий ўрта аср шароитида илм-фан, инсонпарварлик ғояларининг тантанаси учун курашиб, бутун инсоният маданияти учун катта хизмат қилди. Шу

билан бирга Форобийнинг энг катта хизмати, Афлотун ва Арасту асарларини ўрганиши, уларга ёзган шарҳларидир.

Сабаби, бугунги кунда ўрганилаётган қадим юнон олимларининг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари акс этган асарлар тақдири кўпчиликни қизиқтиради. Жумладан, С.Йўлдошев, М.Усмонов ва Р.Каримовлар томонидан чоп этилган “Қадимги ва ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси” ўқув қўлланмасида ушбу асарлар тақдири ҳақида ҳам маълумотлар учрайди.

Биз ушбу маълумотларга таянган ҳолда, Арасту асарлари шогирди Теофрастга қолдирилганини, кейинчалик, бу илмий мерос Теофрастнинг қариндошлари кўлида қолганини қайд этамиз.

Асарлар қаровсиз ҳолда қолган.

Юлий Цезарь даврида эса, кўпчилиги ёндириб юборилган. Биринчи бўлиб Птоломей Арасту ҳаёти ва ижодини ёзган бўлса, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Беруний, Ибн Рушд каби шарқ мутафаккирлари Арасту асарларини нафақат Шарқда, балки Европада қайта тикланишига катта хизмат қилишган. Бугунги кунга қадар юнон олимларнинг илмий мероси жаҳон сиёсий-ҳуқуқий таълимотларида ўрганилишига шарқ алломаларининг, айниқса, Абу Наср Форобийнинг хизмати чексиздир. Ушбу хизматлари туфайли Абу Наср Форобий “Муаллими соний”, яъни иккинчи муаллим деган фахрли номга сазовор бўлган.

Арасту илмий меросини ўрганиш, уни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, турли даврларда Арасту асарларига турлича муносабат билан қаралган. Масалан, Форобий ўзининг идеал жамият ҳақидаги қарашларини Арастунинг идеал жамият тўғрисидаги қарашлари асосида яратган ва ривожлантирган. Ибн Синонинг билиш назарияси Арастунинг билиш назариясига ўхшаш бўлган.

XIII асрда Ғарбий Европада Арасту таълимотининг фақат диний томонлари тадқиқ этилган бўлиб, ҳаққоний, реал ушбу меросни ўрганиш таъқиқланган. Ҳатто, 1629 йил Людвиг XIII ҳукмронлиги даврида Арасту таълимотини ҳаққоний жамоатчиликка ўрганиб, етказмоқчи бўлган Рамус деган олим қатл этилган.

Лекин, бундай адолатсизларча Арасту таълимотиға ёндашиш олимлар томонидан қораланган.

Немис файласуфи Лейбниц бундай ёндашувға чек кўйишни, юнон мутафаккирининг илмий меросига ҳаққоний равишда эътибор беришни таъкидлаган. Кейинчалик И.Кант Германияда ва Кузен Францияда Арастуга бўлган ноҳақликни, хатоликни тўғрилашға ҳаракат қилишган.

Қарийиб икки ярим минг йил аввал яшаб ижод этган қадим юнон олими - Арастунинг илмий меросига бўлган қизиқиш бугунги кунда ҳам ошиб бормоқда. Айниқса, қадим юнон мутафаккирларининг жамият, давлат ва ҳуқуқ борасидаги қарашлари, кейинчалик уларни шарҳлаб, ўз илмий қарашларида фозил жамият, фозил давлат тўғрисида таълимотини илгари сурган Форобий қарашлари бугунги куннинг муаммоларини ечишда катта роль ўйнамоқда.

Биз ушбу рисолада Форобий таълимотининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларининг шаклланишиға катта таъсир этган юнон олимларининг жумладан, Афлотун ва Арастунинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашларини, жумладан, уларнинг фуқаролик жамияти борасида илгари сурган ғояларини ўрганишға, таҳлил этишға ҳаракат қилдик.

Қадим юнон ҳамда Марказий Осиё мутафаккирлари қарашларида фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурларнинг асослари

Марказий Осиёда фуқаролик жамиятининг мубошири бўлганми? Бу савол анча йиллардан буён тадқиқотчиларни қизиқтириб келади. Олимлар ҳам, сиёсат ва жамият арбоблари, педагог ва талабалар, жамоат уюшмаларининг фаоллари ва оддий фуқаролар ҳам бу муаммога тобора кўпроқ эътибор бермоқдалар. Ўзбекистонда янада демократияни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этишдаги манфаатдор бўлган ҳар бир киши Ўзбекистон халқларининг сиёсий ва ҳуқуқий меросини яхши билиши, ҳамда мутафаккирлар илгари сурган ғояларга мурожаат қилиши керак.

Кўпгина машҳур олимлар бу таълимотнинг таркибий қисмларига мурожаат этиб, мазкур муаммонинг турлитуман маъноларини илгари сурганлар. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга олиб келди ва минг йиллик фалсафанинг тарихига қизиқишини борган сари ошириб, уни ўрганувчилар доирасини кенгайтириб келмоқда.

Президент И.А.Каримов ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек: “Маърифатли дунёда “фуқаролик давлати” деб гапирилмайди. “Фуқаролик жамияти дейилади”. Давлат - бошқа нарса, фуқаролик жамияти бошқа нарса. Бундай жамиятда давлат ташкилотларидан кўра жамоат ташкилотларининг қадри баландроқ туради. Куч ишлатувчи тузилмалар, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият, давлат ташкилотлари тизимига қиради”.

Фуқаролик жамияти - фуқароларнинг ўзаро чамбарчас боғланган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятига эга бўлган жамиятдир; давлатнинг мажбур қилувчилик кучи билангина эмас, айти вақтда фуқароларнинг ихтиёрий куч-

ғайратлари билан ҳам таъминланиб турадиган барқарор тартибли жамиятдир.

Ушбу мавзуга оид қарашлар, ғоялар, назариялар жуда қадимда шаклланган бўлиб, уларнинг асосчилари юнон файласуфлари Афлотун ва Арасту асарларида ҳам қайд этилган.

Афлотуннинг устози Сукрот (милоддан аввалги 470-399 йиллар) ижтимоий тараққиёт масалаларида ҳақиқатни топиш мумкин ва лозим, ҳақиқат фақат баҳсда аниқланади, деб ҳисоблаган эди. Сукротнинг жамият тўғрисидаги таълимотига заковатли кишилар (интеллектуаллар) англаб етадиган объектив мавжуд ғоя тўғрисидаги фикр асос қилиб олинган эди. У ҳар қандай соҳадаги муваффақиятли фаолият учун чуқур билим зарурлигини таъкидлар эди. Шу фикрга асосланиб, давлатга раҳбарлик қилиш ўзига хос касб бўлиб, бу касб билан асосан ва қоида тариқасида донишмандлар, давлатни бошқариш қобилиятига эга бўлган кишилар шуғулланиши лозим, деган асосий хулоса чиқарилар эди. Бу назария полисни бошқариш - ҳар бир фуқарони иши деб таъкидлайдиган Афина демократиясини асосий қоидаларига зид эди. Шундай қилиб, Сукротнинг таълимоти энг бадавлат фуқароларнинг ҳаракатларини оқловчи негизни яратиб берган, бу эса мутафаккирни Демос билан қарама-қарши туришга олиб борган ва ниҳоят олимнинг қораланиши ва ўлими билан якунланган эди.

Афлотун ўз асарларида жамиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини кенг тадқиқ этган мутафаккирдир.

Афлотун асарларини тадқиқотчилар тўрт қисмга ажратишган:

Биринчи қисми: "Сукротчилар диалоги" деб аташган, ушбу қисмда Сукрот қарашлари ҳақида кенг маълумотлар берилган, жумладан, "Лахес" (Жасурлик ҳақида), "Хармид" (Донолик ҳақида), "Критон" (қадрият ҳақида), "Кичик Гиппий" (Фазилатлар ҳақида), "Давлат" (Адолат ҳақида),

ххамда "Сукрот Апологияси" асарлари шулар жумласидандир.

Иккинчи қисм – сукротчиларнинг Афлотун қарашларига ён босиш даврида ёзилган асарлар бўлиб, булар: "Горгий", "Критий", "Катта Гиппий" асарлар кирази.

Учинчи қисм- "Менексен", "Базм", "Федр", "Федон", "Давлат" (III-X китоблар)дан иборат.

Тўртинчи қисм - Афлотуннинг "Тэтет", "Софист", "Парменид", "Сиёсатчи", "Тимей" каби асарларини ўз ичига олган.

Маълумки, VI-IX асрларда яқин ва Ўрта Шарқда Арастунинг деярли барча асарлари араб тилига таржима қилинган ва уларга шарҳлар битилган эди. Унинг кўпгина ғоялари таҳлил этилган, танқидий қайта ишлаб чиқилган ва ўзлаштирилган эди. Атоқли қадимий юнон олимнинг обрў-эътибори Ўрта аср Шарқида шу қадар юксак кўтарилдики, бошқа буюк олимларнинг асарлари ҳам унга нисбатан бериладиган, бу асарларнинг кўпдан-кўп сохта нусхалари тарқатиладиган бўлиб қолди. Антик давр мутафаккирларининг асарлари билан танишмай туриб, фалсафани ўрганиш ва умуман дунёвий таълим олиш мумкин бўлмай қолди. Деярли барча йирик олимлар (аль-Кинди ва бошқалар) Стагирит меросини мунтазам ва изчил ўрганиш вазифасига бағишлаб махсус рисоалар ёзишди. Ўз устози Афлотундан фаркли ўлароқ, Арасту ижтимоий дунё бирламчи, унинг мазмуни билан шаклини бири-бирдан ажратиб бўлмайди, деб ҳисоблагани маълум. Стагиритнинг ижтимоий қарашлари ривожланиш назариясидан иборатдир, чунки муаллифларнинг ўзи ривожланишининг диалектик методи тарафдорларидан биридир". Арастунинг фанлар хусусидаги таснифи Форобий, Беруний, Ибн-Сино ижодига қандай таъсир ўтказганлиги алоҳида мавзудир. Арасту фанларни уч турга

назарий, амалий ва шеърий турларга ажратгани маълум. Иқтисодиёт, амалий фанларга киритилган. Бу ҳақда куйидаги китобда батафсилроқ маълумот олиш мумкин.

Идеал давлат тўғрисидаги таълимот муаллифи бўлмиш Арасту: “полис инсонлар уюшмасининг энг яхши шакли,” деган хулосага келган: шу полисда яшовчи одамларнинг мақсади неъмат олишдан иборат, Афлотундан фарқли ўлароқ Арасту оилани жамиятнинг зарур бўлаги, бўғини деб ҳисоблаган. Бунда Арастунинг фикрича, “қулчилик қандай табиий бўлса, оила ҳам шундай табиийдир”, баъзи кишилар ҳукмронлик қилиши, бошқалар эса бўйсунishi табиат томонидан белгилаб қўйилган деган парадоксга асосланади.

Яъни, Арастунинг фикрича, давлат таркибига айрим шахслар, оилалар ва қишлоқлар кириши керак. Бироқ алоҳида шахсларнинг ҳаммаси ҳам давлат таркибига тааллуқли бўлмайди деганда, айнан қуллар назарда тутилган. Шу билан бирга, унинг фикрича, ўзлигига эга бўлмаган киши табиатан қулдир. У фақат жисмоний ишларга мўлжалланган бўлиб, хўжайинига итоатда бўлмоғи лозимлигини таъкидлаган.

Арастунинг фикрича, давлат бир жойда яшовчи инсонларнинг ўзаро мулоқоти, адолатсизликка қарши ўзини ҳимоя қилиш учун тузган иттифоқи ёки хўжаликдаги айрибошлаш учунгина бўлган мулоқот эмас. “Давлат шу пайтдагина юзага келадики, оила ва уруғ ўртасида бахтли ҳаёт учун муомала пайдо бўлса, уларнинг ҳаёти комил ва тўлиқ бўлган шароит ва вақтда давлат пайдо бўлади.”

Арасту полиснинг мавжуд шакллариини ўрганиб, учта тўғри (монархия, аристократия, полития) ва учта ногўғри (тирания, олигархия, демократия) шакллариини алоҳида кўрсатиб ўтади, ҳамда уларнинг ҳар бирини батафсил таърифлайди.

Жумладан, монархия - юнонча сўз бўлиб, якка ҳокимликдир. Арасту бунда шоҳ ҳокимлигининг патриархал ва мутлақ монархия шаклларини кўрсатган. Агар давлатни ҳаммадан устун турувчи шахс бошқарса, унда мутлақ монархия бўлиб, бундай ҳукмдорга нисбатан қонун бўлмасдан, ўз фуқаролари орасида энг улуғвор одам даражасига кўтарилади ва унга барча итоатда бўлади.

Аристократик бошқарувда эса сиёсий тузум озчилик томонидан амалга оширилиб, давлатни шарафли, олижаноб кўпчилик бошқаришини қайд этган.

Давлатнинг тўғри шакли сифатида Арасту монархия бошқарувини (подшоҳликни), аристократия ва политияни кўрсатади. Шунга мувофиқ равишда тирания, олигархия ва демократияни у нотўғри ва хато бошқарув шакллари деб ҳисоблайди.

Арасту энг яхши ва идеал давлат шакли деб политияни кўрсатади. Политияда давлатни умумий манфаат йўлида кўпчилик бошқаради. Бу бошқарув олигархия ва демократиянинг уйғунлашган шаклига ўхшаш бўлади. Арасту Полития хос бўлган мулкдорлар ва мулксизларнинг, бойлик ва эркинлик каби манфаатларнинг бундай бирлашуви жуда кўплаб давлатларга хослигини таъкидлайди.

Арасту юқори ҳокимият қонунга эмас, халқга боғлиқ бўлган ўта демократияни танқид қилар экан, бойлар ва камбағаллар мурасасига, қонун устуворлигига асосланган мўътадил демократияни қўллаб-қувватлайди. Шунинг учун ҳам у Солон ислохотларига юксак баҳо беради.

Арастунинг политияси олигархия ва демократиянинг энг яхши жиҳатларини ўзида ифода этади. Айни чоғда бу полития уларнинг камчиликларидан ҳам холидир. Полития - давлатчиликнинг “ўрта” шакли ва унда “ўртачалик” ҳамма нарсада кўринади: ахлоқда - мўътадиллик, мулкда - ўртача фаровонлик, ҳукмдорликда - ўрта табақа ва ҳоказо.

Арасту “ўртача” кишилардан иборат бўлган давлат энг яхши давлат тузумига эга бўлишини алоҳида таъкидлайди. Арастунинг ўрта бўғинга суянган жамият афзалликлари ҳақидаги бундай қарашлари Ўзбекистонда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш учун ҳаракат бораётган ҳозирги пайтда айниқса аҳамиятлидир. Мамлакатимизда кечаётган ушбу жараёни Президентимиз И.А.Каримов куйидагича аниқ ифодалаб берганди: «Айни ўрта мулкдорлар синфи шакллантирилаётган фуқаролик жамиятининг таянчидир.

Бу ўринда гап, агар мулк шакллари хилма-хиллиги ва биринчи навбатда хусусий мулк ҳар қандай давлатнинг демократик негизлари барқарорлигининг иқтисодий асоси ҳисобланса, реал ишлаб чиқариш воситаларининг ўрта мулкдорларидан иборат кучли қатламнинг мавжуд бўлиши унинг сиёсий асоси эканлиги ҳақида бормоқда. Аҳоли орасида ҳақиқий мулкдорлар ўрта қатламининг кўпчиликини ташкил этиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни орқага қайтариш имкониятларини бартараф этишнинг қафолати ҳисобланади.

Шу сабабли биз иқтисодий ўзгаришлар жараёнини республикада ўрта мулкдорларнинг чинакам синфини шакллантиришдек долзарб вазифани ҳал қилиш билан боғламоқдамиз. Одам ўзини чинакамига мулкдор деб ҳис этмас экан, ўз ҳуқуқлари учун, пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самарадорлиги учун мулкдор сифатида курашмайди. Жамиятда барқарорликни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилишга интилмайди».

Зотан, Арасту фикрига кўра, лозим даражадаги тенгликнинг йўқлиги давлатни парокандалик сари етаклайди. Бундай ҳол одатда нисбий тенгликнинг ҳамда сиёсий адолат принципининг бузилиши оқибатида келиб

чиқади (тенглик биринчи ҳолатда миқдор билан ўлчанса, иккинчисида - кадр-қиммат билан ўлчанади).

Аристократия ва полиция ҳукмронлик қилган тузум-давлатнинг тўғри шакллари бўлиб, унда битта шахс, озчилик ёки кўпчилик ҳокимиятдан умумий бахт-саодат, умумий фойда, манфаатлар йўлида фойдаланади.

У ўз давридаги мавжуд давлат тузумларининг назарияларини, шаклларини танқид қилган ҳолда, уларга ўзининг идеал давлат лойиҳасини қарама-қарши қўяди. Унинг фикрича, идеал давлат қуриш учун мавжуд тузумни афдариш, инсонни қайта тарбиялаш талаб қилинмайди.

Шундай давлат тузумини жорий этиш керакки, у мавжуд шарт-шароитда мақбул бўлсин. Давлат тузумини яхшилаш уни қуришдан кўра осондир. Бу ерда яхши қонунчи ва ҳақиқий сиёсатчи давлатнинг муайян шароитларига мос келдиган, нисбатан яхши шаклларини ҳам назарда тутиши лозим.

Мавжуд давлат тузумининг шакллари такомиллаштиришда сиёсий раҳбар давлат тузумининг умуман қанча тури борлигини билиши керак. Шунинг учун Арасту илгари сураётган идеал давлат лойиҳасида Қадимги Юнонистонда маълум бўлган давлатнинг барча типлари кўриб чиқилган.

Арастунинг фикрича, давлатдаги сиёсий тузумга алоҳида эътибор бериш зарур, чунки айнан сиёсий тузумда давлатни бошқариш асослари ётади ва у давлатда олий ҳокимият деб қайд этилади. Сиёсий тузум қонун ҳукмини кўзлайди, қонун ҳукмронлик қилмаган ерда сиёсий тузум мавжуд бўлмайди. Ҳокимлар ҳокимиятни бошқаришда ва мазкур давлат шаклини ҳимоя қилишда, қонунларни бузувчиларга қарши курашда қатъий амал қилишлари лозим. Қонун ҳукмрон бўлган жойдагина адолат қарор топиши мумкин. Адолат - сиёсатнинг мақсадидир. Адолат умумий бахт-саодат бўлиши билан бирга умумийликка

тегишли адолатли қисмларга мос бўлиши лозим. Тенг адолатлилик бутун давлатга фойдали бўлиши билан бирга, барча фуқароларга ҳам тегишли бўлади.

Арасту адолатнинг икки хил, яъни тенглаштирувчи ва тақсимловчи кўринишини фарқлайди. Тенглаштирувчи адолат мезони “арифметик тенглик” бўлиб, бу тамойил фуқаровий-ҳуқуқий келишувлар, олди-сотдилар, зарарни қоплаш, жазолаш сингари соҳаларда қўлланади. Тақсимловчи адолат мезони эса “геометрик тенглик”дан келиб чиқиб, етиштирилган неъматларни ҳар кимнинг қўшган ҳиссасига қараб тақсимлашни билдирган. Бу ҳолда тегишли нарсаларга (ҳокимиятга, ҳурматга, моддий бойликка) бошқалар билан тенг ёки тенг бўлмаган миқдорда эгалик қилиш мумкин.

Тенглаштирувчи адолат икки қисмга бўлинади. Айрим ижтимоий муносабатлар эркин тарзда малга ошади, масалан: олди-сотди, қарз бериш ва шунга ўхшаш..., эркин бўлмаган муносабатларга -ўғрилиқ, ўзига оғдириш, шикаст етказиш, ёлғон гувоҳлик бериш, ҳақорат каби ҳолатлар киради.

Шундай экан, амалиётчи кишилар, давлат бошлиқлари ҳар доим адолат юзасидан иш кўришлари лозим. Зеро, сиёсат айнан яхши қонунлар чиқариш, давлатни бошқаришнинг энг яхши тузилиши билан шуғулланиши лозим.

Сиёсий бошқарув, Арасту нуктаи назарига кўра, одамлар томонидан эмас, балки қонун томонидан бошқарувдир. Чунки одамлар, ҳатто энг яхшилари ҳам, туйғу ва эҳтиросга мойилдирлар, қонун эса бирдай ўзгармасдир.

Демак, идеал давлатнинг асосий жиҳати шундаки, бу давлатда ҳар қандай фаолият қонун асосида амалга оширилиши лозим.

Арасту сиёсий тузумдаги уч ҳуқуқ тўғрисида фикр юритган:

Қонун чиқарувчи ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ ва суд ҳуқуқи.

Арасту ўзининг ҳуқуқий қарашларида Суқрот ва Афлотунларнинг адолат ва қонун айнан бир деган ғоясига кўшилади. Ҳуқуқ ўзида адолатни акс эттиради ва кишилар ўртасидаги сиёсий муносабатлар меъёри бўлиб хизмат қилади. Умуман, сиёсий маънодаги ҳуқуқни Арасту “сиёсий ҳуқуқ” деб атайди. Бу эса сиёсий бўлмаган ҳуқуқ йўқлигини, сиёсий бўлмаган, яъни зулмга, истибодга асосланган бошқарув шаклларида ҳуқуқ бўлмаслигини англатади.

Адолат ҳақида фикр юритганда эса, энг аввало, адолатни ахлоқий фазилат сифатида улуғлаган. “Адолатсизлик деб қонунни бузувчиларга, бошқалардан ортиқроқ олувчи ва бошқаларга тенг муносабатда бўлмайдиганларга нисбатан ишлатилган. Арастунинг фикрича, “Қонунга яраша иш қилувчи, барчага баробар қаровчи кишигина адолатлидир”.

Фуқаролик жамиятига Арасту берган таъриф Рим республикасига ҳам тўла-тўқис тааллуқлидир. Бу ерда “societaz civilaz” сўзлари остида Рим империяси ҳудудида яшовчи қуллардан шунингдек, бошқа халқлардан фарқли ўлароқ римда яшовчи тўла ҳуқуқли фуқаролар уюшмаси тушунилар эди. Римдаги сиёсий тузум ғояси республика ғояси эди, яъни умумий фаровонлик хусусий фаровонликка қарама-қарши қилиб қўйилган эди. Фуқаролик жамиятининг асосий маъноси умумий фойдадан иборат эди. Антик даврда бу тушунчанинг мазмунини шакллантириш жараёни инсоннинг фуқаро сифатидаги феъл-атворида бериладиган маънавий-одобий баҳо билан чамбарчас боғлиқ эди. Ўша пайтдан бошлаб қарор топган инсон билан фуқаронинг қиёси асрлар оша

ўтиб, Инсон ва фуқаро декларациясига (1798 й) ва инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига (1948 й) киритилди.

Шарқ мутафаккири Абу Наср Форобий буюк файласуфларнинг меросига қанчалик ҳурмат билан қарамасин, уларнинг концепциялари илм-фан маълумотларига мос келмаган ҳолатларига қўшилмаган. Форобий яшаган тарихий даврда савдо-сотик ва хунармандчилик ривожланган, ташаббусиз қуллар ўрнини эркин шаҳарликлар меҳнати олаётган, амалиётнинг роли ошиб бораётган давр бўлган. Унинг илмий меросида билим билан тажрибанинг ўзаро боғлиқлиги доимо таъкидланган, унинг мантиқий тизимида эса индукция методи батафсил ишлаб чиқилган. Юнон илмини ўрганар экан, Форобий Арасту ҳақида:

Арастуга тақлид шундай бўлмоғи керакки, унга муҳаббат ҳеч қачон уни ҳақиқатдан афзал кўриладиган даражага етмасин, ҳеч қачон у рад этиш истагини туғдирадиган нафрат нишонига айланиб қолмасин.”-деган эди.

Маълумки, Арасту яшаб ижод этган даврда Афинадаги қулдорлик демократияси таназзулга юз тутган ва Афина полиси ичида сиёсий курашлар бошланган, фанда эса бир-бирига зид йўналишлар пайдо бўла бошланган эди. Олимлар ушбу жараённи ўз замонасига ва кейинги даврларга, жумладан, Форобий сиёсий-ҳуқуқий қарашларини шаклланишига таъсирига қараб, ҳамда фуқаролик жамияти назариясини ривожлантиришга ўтказган таъсирига қараб, Арасту қарашларини қуйидаги гуруҳларга ажратишади:

1. мантиқий гуруҳлар - бу гуруҳлар шарҳчилар томонидан “органон” деб аталган мажмуага бирлашади (“Категории”, “Об истолковении”, “Аналитики первая-вторая”, “Топика” “Опровержение софистских аргументов”),

2. -Ахлоқ-одобий гуруҳлар -бу гуруҳлар ахлоқ ва одоб масалаларига бағишланган бир қанча китобларни ўз ичига олади (Никомахова этика”, “Эвдемова этика”):

3. ижтимоий, сиёсий ва тарихий рисоалар - ижтимоий мавзулардаги трактатлар ва маърузалар тўплами (“Политика”, “Полития”-Юнонистондаги 158 та шаҳар - давлат конституцияларининг баёни бўлиб, улардан фақат бизгача “Афина политияси” етиб келган.

4. Санъатшунослик ва нутққа оид тадқиқотлар гуруҳлари (“Риторика”, “Поэтика” ва бошқалар).

“Политика” да баён этилган жамият ва давлат ҳокимиятининг турлари тўғрисидаги таълимот, юқорида қайд этилганидек, Афина қулдорлик давлатининг таназзул ҳолатини ва ўша ижтимоий тузум шароитида шаклланган ҳукмрон синфларнинг умумий инқирози бошланганлигини акс эттиради. Арастунинг фикрича, деҳқонлар гуруҳи барча ижтимоий гуруҳларнинг энг яхшисидир, чунки у бошқалардан фарқли ўлароқ, ўзига хос турмуш тарзи ва ҳуқуқий тарқоқлиги оқибатида давлатни бошқариш масалаларига фаол аралашмайди. Қадим юнон мутафаккирларининг фикрича, давлатни бошқариш масалалари жамиятнинг ўртacha давлатманд синфларига хос имтиёзли вазифадир”.

Арасту қулдорлик жамияти ва ундаги синфларни абадий деб, жамиятнинг қуллар ва қулдорлар синфларга бўлинишини табиат қонунларига мос келадиган табиий бир ҳолат деб ҳисоблаган. Оиладаги одамлар ўртасида имкони бўлган муносабатларга мувофиқ равишда олим давлат бошқарувининг юқорида қайд этилган учта ижобий ва учта салбий шакллари бир-биридан фарқлаган. Полития эса (ўрта синф ҳокимияти) олигархия ва демократияни аралашувига асосланган. Мутафаккир катта давлат тузилмаларига қарши бўлган; у инсоннинг

ижтимоий табиатини таъкидлаган ва иқтисодий ходисаларни ўрганишга шу нуқтаи назардан ёндошган.

Арастунинг фикрича, давлатнинг асосий вазифаси барча фуқароларнинг бахт-саодатини таъминлашдан иборат. Аммо Арасту фуқаро деганда ҳукмрон мулкдор кулдорлар синфини тушунган. Афлотундан фарқли ўларок Арасту этика масалаларини ахлоқ ва одобни одамларнинг реал муносабатларидан, ижтимоий муносабатларидан ажратиб олган. Ахлоқнинг ўзи “мутлақ ғоя” воситасида ҳосил қилинмайди, балки ёш болаликдан шаклланади, одоб сифатлари орасида қатъийлик, собитқадамлик, дўстлик, садоқат, адолат ва бахтиёрликка интилиш ажралиб туради.

Айни вақтда қонунга мос келадиган ҳаракатлардан иборат бўлмиш адолат энг қимматбаҳо сифат деб эълон қилинади.

Форобийнинг таъкидлашича, Афлотун одамларни ўз ишларига қараб моҳир гуруҳларга ажратиш ҳақида: қонун чиқарувчилар, хунармандлар денгиз сайёҳлари, жангчилар ва шу қабиларга бўлиш тўғрисида фикр юритган.

Агар Афлотун давлатни ердаги ижтимоий-сиёсий турмуш ғоялари дунёсининг ўша интиқоси деб билса, қадимги юнон мутафаккирига зид равишда Форобий “Фозил шаҳар” ёки давлатнинг тинч осойишталиги ва равнақи одамларнинг ерда ишлари, амалий ва аклий қобилиятлари билан белгиланади деб ҳисоблаган. Шу билан бирга Форобий энг яхши жамият тўғрисидаги хаёлий олий мақсадини таърифлаганда, яна ўша Афлотуннинг энг яхши адолатли давлат ҳақидаги, уни амалга ошириш мумкинлиги тўғрисидаги ғояларидан фойдаланади.

Бироқ Форобийнинг “Биринчи одил ҳукмдор” тўғрисидаги ғояси Афлотуннинг “билимдон ҳақиқий файласуфлар ҳукмронлиги” ҳақидаги ғояларидан фарқ

килишини таъкидламоқ керак. Форобий “биринчи ҳукмдор” ўзининг назарий ва амалий фаолияти туфайли бошқарув фазилатларини ўрганади; фукаролик қонунлари барча учун мажбурий бўлиши керак деб ҳисоблайди. Афлотун эса ҳукмдор қандайдир азалий ва абадий ғоялар соҳиби бўлади, унинг қалбига ҳақиқат кучи жойланган ва у “халқни қонунларсиз бошқаради олади”, ҳар қандай йўл-йўриқлар фақат “оломон” учун мажбурийдир, деб ҳисоблайди.

Форобий жамоа шахрини тасвирлаганда Афлотуннинг демократиясидан фойдаланади. М.Ориповнинг ҳақли равишда қайд этишича, Форобий ҳукмдорнинг мутлақ ҳокимиятга эга эканлигини Афлотун демократиясининг нуқсони деб ҳисоблайди, шаҳарликларнинг ҳаракатларига раҳбарлик қилиб, уларни бахт-саодатга етаклайдиган кимса ҳақиқий саҳоватли ҳукмдор бўлса шаҳарликлар ҳам ўз навбатида унга раҳбарлик қилишлари керак.

Форобий назарида шаҳарликлар ўзларига қандай раҳбарлик қилишига қараб ҳукмдорни тасдиқлаш ёки лавозимидан олиб ташлаш ҳуқуқига эга бўлишлари керак. Форобий донишмандлар, нотиклар, шоирлар тинч-тотув яшайдиган, яхшилик ва ёмонлик муросада яшайдиган жамоа шахрини афзал кўради.

Жумладан, Форобийнинг фикрича, маданий жамиятда инсон ўз эҳтиёжларини амалга ошириш учун бошқа инсонлар билан алоқада бўлишга мажбур бўлади. Бирор бир киши ўзича, жамиятдан ажралиб тараққий эта олмайди. Шунинг учун инсоннинг табиий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ташкил топган кишилик жамияти учун бир сиёсий бошқарувнинг мавжуд бўлиши зарурдир.

Демак, жамият кишиларнинг табиий эҳтиёжаридан келиб чиққан бўлиб, жамиятнинг мақсади шу жамият аъзоларининг бахт-саодатга элтувчи эҳтиёжларини қондиришдир. Ана шу мақсадни амалга ошириш

йўллари таҳлил этиб, Форобий жамиятни мукаммал ва номукаммал икки турга бўлади. Ўз ўрнида мукаммал жамиятлар ҳам уч турга, олий, ўрта ва кичик жамиятларга бўлинади. Олий жамият- бу фозил одамлар яшайдиган, бир қанча миллатлардан ташкил топган саодатли жамиятдир. Ўрта жамият бир миллатдан ташкил топган жамиятдир. Кичик жамият эса, кичик шаҳар аҳолисидан таркиб топади. Мукаммал бўлмаган жамиятга эса, алоҳида шаҳар даражасида бўлмаган ва шаҳар учун хизмат қилувчи кишлоқлар ва шаҳарнинг шаҳардан узоқ маҳаллий қисмлари киради.

Форобийнинг ижтимоий-сиёсий асарларида халқ ҳокимияти ва ҳатто демократия эҳтимолига очик-ойдин шама қилинади, чунончи мутафаккирнинг уқтиришича жаҳолатли шаҳарларнинг барча турлари орасида жамоа шаҳри демократик бошқарувга жуда яқин туради, бу шаҳарнинг аҳолиси мутлақо тенг ҳуқуқли бўлиб эркин ҳаракат қилади, қарамлик ва тобелик муносабатларига ўрин йўқ, яқин ва олис кишилар устидан ҳукмронликка даъво қилмайди. Шаҳарнинг бу тури жаҳолатли шаҳарлар орасида энг каттасидир, чунки ҳамма томондан одамлар бу ерга оқиб келади, натижада унда кўп одам тўпланиб қолади, улар орасида саҳоватли ахлоқ соҳиблари ҳам бўлади. “Шу сабабли, - деб уқтиради Форобий, - бир вақт келиб унда энг муносиб кишилар етишиб чиқиши эҳтимодан ҳоли эмас... Бундай шаҳардан саҳоватли шаҳар қисмлари ажралиб чиқиши мумкин”.

Форобийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларидаги демократик унсурларни таъкидлаш билан бирга қуйидагиларни таъкидламоқ керак: мутафаккир “жаҳолатли шаҳарлар”да, кам ривожланган мамлакатларда, маданий тамаддундан йироқ халқларда халқ ҳокимияти мутлақо номақбулдир, деб ҳисоблаган. Форобийдаги зиддият шундан иборатки, бир томондан у

якка ва шахсий эркинликка хайрихоҳлик билан қараган бўлса, иккинчи томондан адолат ва тенг ҳуқуқийликка “қаттиқ қўл” (аммо доно) ҳукмдорнинг қатъий раҳбарлиги ва раҳномолиги билан эришишга чақирди.

Мутафаккир назаридаги саҳоватли шаҳарда санъат, фан турларини, касб-корни, кўнгили очар тадбирларни эркин танлаш имконияти мавжуд; яхши хулқ-атворлар, одат ва анъаналар ҳукмрон; аҳоли ҳар қандай зўравонликни рад этади, энг истеъдодли, юксак маънавийли ва энг мақбул кишиларни ҳукмдорликка кўтаради; фуқаролар ўз ватанини душмандан ҳимоя қилишга ўз юртида тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашга тайёр ва қодир.

Фаробий эркинлик ва тенг ҳуқуқликни умумбашарий қадриятлар, деб ҳисоблади, аммо, юқорида айтилганидек, бошбошдоқликка йўл қўймайдиган ва эзгу фазилатларни ривожлантириш учун шароит яратишга қодир бўлган қаттиқ қўл бошқарувисиз ялпи бахт-саодатга эришиб бўлмади, деб ўйлаган. У ижтимоий адолатни ижтимоий турмуш меъёри деб, шаҳарнинг бутун аҳолиси фойдаланадиган умумий неъматларни одилонга тақсимланиши деб тақсимланган неъматлар сақланиб қолишининг гарови, деб тушунган. Шундай қилиб, Фаробий таълимотига кўра адолат-имкониятлар ва тақсимотдаги тенгликдир.

Фуқаролик жамиятида - шаҳар-давлат икки усулда бошқарилади: биринчиси, ҳақиқий бошқарув бўлиб, унда фуқароларнинг чинакам фаровонлигига олиб борадиган турмуш, ижтимоий ҳаракатлар, маънавий меъёрлар ва ўзаро ҳурмат қарор топган бўлади, одамларнинг бундай уюшмаси, аслида, моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан энг мақбулдир, иккинчиси, соҳита бошқарув бўлиб, унда қарор топган инсон ҳаёти, ижтимоий муносабат, ахлоқ одоб қоидалари ва ижтимоий табақаланиш типлари фақат бахт-

саодатга етакчи бўлиб туюлсада, аслида бу мақсаддан чалғитади. Сохта бошқарув усули жаҳолатли давлатларга хосдир.

Фуқаролик жамияти, жумладан, уни бошқариш икки хил тарзда содир бўлади: биринчиси - ижтимоий муассасаларнинг мавжудлиги ва амалий фаолияти умумий қонунлари тўғрисидаги назарий билимларни ўрганиш, аниқлаш ва оммалаштириш бўлса, иккинчиси - мамлакатдаги ва бошқа жойлардаги жамоат муассасаларининг амалий фаолият тажрибасини йиғиш, таққослаш ва тарғиб қилишдир.

Форобийнинг фикрича, назарий билимлар билан амалий тажрибани, албатта, бирга қўшиш туфайли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг олиймақом моделини яратиш мумкин.

Форобий давлат билан жамият ўртасидаги тавофутни англаган ҳолда, ўз давридаги ижтимоий тузилмани батафсил тадқиқ қилади. У ижтимоий табақаланиш яшаб келаётганлиги, мавжудлиги ва истикболларини мутлақо табиий бир ҳол деб ҳисоблаб, бўйсундурувчилар ва бўйсунувчиларнинг бир неча категориясини ажратиб кўрсатаган, ҳолда шундай ёзади: “Шаҳарда муайян инсон-бошлиқ бор ва ўз табақаларига кўра шу бошлиққа яқин бошқа кишилар ҳам бор, шу кишиларнинг ҳар бири ўз мавқеи, қобилиятига кўра бошлиқ белгилаб берган мақсадга мувофиқ ҳаракат қилади. Бу кишилар биринчи пиллапояда туради, улардан кейинги кишилар биринчиларнинг мақсадларига мувофиқ ҳаракат қиладилар ва иккинчи пиллапояни эгаллайдилар. Улардан кейинги кишилар ўзларидан олдинги пиллапояларнинг мақсадларига биноан ҳаракат қиладилар. Шу тариқа шаҳар уюшмасининг турли аъзолари ўзидан олдингиларнинг мақсадларига мувофиқ ҳаракат қиладиган тартибда жойлашадилар, сўнгилар фақат хизмат қиладилар, аммо

уларга ҳеч ким хизмат қилмайди. Улар энг қуйи пиллапояни эгаллайдилар ва энг қуйи ҳолатда турадилар”.

Ривожланган жамиятнинг асосий тартиботлари

Форобий таълимотида фуқаролик жамиятининг мунтазам концепцияси борлигига, бундай жамият билан шариат давлати бир-бирига боғлиқлигига биринчи бўлиб араб тадқиқотчилари эътиборни қаратдилар. Масалан, Ф.З.Муҳаммад таъкидлаганидек, Форобий халқ билан давлат бошлиғи ўртасидаги келишувни давлат ташкилотининг негизи деб ҳисоблаган эди. “Форобийнинг назарида жуғрофий ва маданий алоқалар одамларнинг бойиған гуруҳига биргаликда фаолият юритиши, тинч-тотув яшаш ва сиёсий ташкилот тузиш имконини берадиган омиллардир. Шундай ташкилот тузилмагунча, одамларга доимо ташқаридан таҳдид қилиб турилди, улар бир-бири билан адоватда бўлди ва адолатсизлик шароитида яшади”, - деб ёзади Ф.З.Муҳаммад.

Маълумки, араб халифалиги жуда катта ҳудуддаги давлат бўлиб, турли мамлакат ва халқларни исломнинг яшил байроғи остида бирлаштирган эди. Тарқоқ феодал ерларини марказлаштириш, якка худолик динининг тамаддун учун устинликлари, анча юқори араб-форс маданиятининг ҳамма жойга, жумладан Марказий Осиё халқлари ўртасида тарқатилиши нукта назаридан мусулмон дини умуман ижобий роль ўйнади. Ана шундай шароитда Форобийнинг схоластика ва ақидапарстликка қарши бўлган назарияси узоқ муддат давомида жамиятдаги ақл-идрокка таъсир ўтказиб, чуқур ва илғор инсонийлик мазмунини намоён этиб турди.

Форобийнинг фуқаролик жамияти тўғрисидаги назарияси шу билан фарқланадики, аввало у ҳам юнон, ҳам араб мутафаккирларининг жуда катта илмий меросига

таянади. Форобий машхур иборани бошқача тарзда ифодалаб, қандай ва қай тарзда яшашни билмоқ учун, дунёнинг бутун мажмуасини идрок этиш ва тадқиқ қилиш, инсоннинг ундаги ўрнини аниқлаш, унинг яшаш маъносини белгилаш, ўзгаришларнинг назарий асосини таърифлаш, фақат шундан кейингина барча фуқароларнинг кучи билан саховатли шаҳар қуришга киришиши керак, деб ҳисоблаган эди. “Ўз табиатига кўра ҳар бир инсон шундай яратилгандирки, - дейди. Форобий - у ўз ҳаётини таъминлаш ва олий камолотга эришиш учун кўпгина буюмларга муҳтож бўлади, бу буюмларни у бир ўзи ярата олмайди ва уларга эришмоғи учун ҳар бири умумий хазинадан ўз эҳтиёжига керакли қандайдир буюмни етказиб берадиган одамларнинг муайян ҳамжамиятига муҳтож бўлади. Равшанки, Форобий назарида шахс - ижтимоий мавжудотдир; у “кўп кишиларнинг битта яшаш жойида бирлашуви орқали шу учун зарур имконият олиши ва олий камолотга эришиши мумкин”.

Форобий фуқаролик жамиятининг сифат ва миқдор хусусиятларини таърифлаб берганлиги, бу жамиятни тўлиқ ва чала жамиятларга ажратганлиги ҳам маълум. Икки типнинг мукамаллиги асосан ўзаро бирлашган кишиларнинг миқдори ҳисобига ортиб боради. Чала жамият уч поғона: оила, қишлоқ, шаҳар маҳалласидан иборат. Тўлиқ жамият ҳам уч турни: шаҳар (“кичик жамият”), халқ (“ўрта жамият”) ва инсоният (“буюк жамият”)ни ўз ичига олади.

Муаллифлардан бирининг ҳақли равишда қайд этишича, Форобий ижтимоий ҳаёт соҳасида бир неча йирик масалаларини кўтарган.

Жамият тўғрисидаги фаннинг предмети объекти ва субъекти; жамоат уюшмаларининг келиб чиқиши, таркиби, тузилмаси ва турлари, бир қанча назарияларни амалий танқид қилиш;

- шаҳар-давлатларнинг, шаҳар уюшмаси хусусиятлари ва ҳаётининг таърифи, давлатнинг умумий вазифалари ва унинг бошқариш шакллари;

- инсоннинг жамиятдаги ўрни ва бурчлари, унинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги вазифалари, меҳнат фаолияти, маънавият ва тарбия масалалари;

- давлат уюшмасининг пировард мақсадини, бахт-саодатга эришиш йўллари ва усулларини аниқлаш.

Фаробий ижтимоий уюшмаларнинг тарихий роли ва ижтимоий моҳиятини таъкидлаш билан бирга уларнинг бошлиқларини кўпчилик ижобий фазилатларга эга бўлган: ақлий, жисмоний, ахлоқий, моддий, маънавий талабга жавоб берадиган бир неча тенг ҳуқуқли кишилардан муқобиллик асосида танлаб олишни таклиф қилади. Бундан чиқадиган маъно шуки, фақат энг ўқимишли бадавлат зодагонлар ва ҳеч бўлмаганда илғор зиёлиларнинг моддий жиҳатдан таъминланган намоёндаларигина ҳукмдор бўлишлари мумкин.

“Агар бирон-бир ҳолатда раҳбарликда донишмандлик йўқ бўлиб қолса, - деб ёзади Фаробий, - ҳатто у бошқа ҳамма шартларга жавоб берганда ҳам, саҳоватли шаҳар-давлатсиз қолади, шаҳарни бошқарувчи бошлиқ эса ҳоким бўлолмайди, шаҳарнинг ўзи эса ҳалокат ёқасига бориб қолади”.

Фуқаролик жамиятида турли халқлар яшайди, деб ёзади Фаробий, - улардан ҳар бирининг уч белгиси: “табиий феъл-атвори”, “табиий характер белгилари” ва “табиий тили” бир-биридан фарқ қилади. Фаробий халқларнинг бундай хилма-хиллигига асосий сабаб қилиб, ажабтовур бўлса ҳам, самовий жисмлар қисмларининг самодаги сферага нисбатан, кўзгалмас юлдузлар сферасига нисбатан ҳолатидаги тавофутни кўрсатади; оғма сфераларнинг ер қисмларига нисбатан ҳолатларида фарқ бўлади, деб ҳисоблайди. “Бундай тавофут, аввало, ер

мазкур қисмлари тепасида биринчи сфера қисмларининг ҳолатидаги фарқ билан, сўнгра эса улар тепасида кўзғалмас ёриткич ҳолатидаги фарқ, сўнг уларнинг оғма сфералари ҳолатидаги фарқ билан боғлиқдир. Ердан кўтариладиган буғланишнинг фарқи ер қисмларининг фарқи билан боғлиқ бўлади, ердан чиқадиган буғланишларнинг ҳар бири шу ернинг ўзига ўхшайди. Ҳавонинг фарқи ва сувларнинг фарқи буғланишларнинг фарқи билан боғлиқ бўлади. Сўнг, айтишларича, ернинг ҳар бир жойидаги сув шу жойнинг ер остидаги буғланишлардан ҳосил бўлади. Ернинг ҳар қандай жойидаги ҳаво ердан осмонга кўтариладиган буғланишлар билан аралашади. Кўзғалмас сайёралар сфераларининг фарқи, биринчи сферадаги фарқ, оғма сфералар ҳолатининг фарқи, ҳавонинг фарқи, сувларнинг фарқи, ўсимликларнинг фарқи, ақлсиз жонивор турларининг фарқи, халқларнинг овқатланишидаги фарқи ҳам шу тартибда давом этаверади. Уларнинг овқатланишдаги фарқ одамлар авлоддан авлодга кўникиб қолган чорва ва ўсимликларнинг фарқи билан боғлиқдир. Шундан кейин феъл-атворларнинг фарқи ва табиий характер хусусиятларнинг фарқи келади. Худди шунингдек у ёки бу халқлар тепасидаги осмон қисмларининг фарқи феъл-атворлардаги ва характер хусусиятлардаги фарқларнинг сабабидир. Сўнг мазкур фарқларнинг ўзаро таъсиридан ва кўшилишидан ҳосил бўлган турли қоришмалар халқларнинг феъл-атворлари ва характер хусусиятлари ўзгаришига кўмаклашади. Шундай қилиб, бу соҳада ҳам мазкур табиий нарсаларнинг бирлашуви, уларнинг бир-бирлари билан турли босқичлардаги кўшилиши содир бўлади, шу йўл билан самовий жисмлар уларнинг мукамаллашувига кўмаклашади”.

Форобийнинг ижтимоий-сиёсий асарларида халқ ҳокимияти ва ҳатто демократия эҳтимолига очиқ-ойдин

шама қилинади, чунончи мутафаккирнинг уқтиришича жаҳолатли шаҳарларнинг барча турлари орасида жамоа шаҳри демократик бошқарувга жуда яқин туради, бу шаҳарнинг аҳолиси мутлақо тенг ҳуқуқли бўлиб эркин ҳаракат қилади, қарамлик ва тобелик муносабатларига ўрин йўқ, яқин ва олис кишилар устидан ҳукмронликка даъво қилмайди. Шаҳарнинг бу тури жаҳолатли шаҳарлар орасида энг каттасидир, чунки ҳамма томондан одамлар бу ерга оқиб келади, натижада унда кўп одам тўпланиб қолади, улар орасида саҳоватли ахлоқ соҳиблари ҳам бўлади. “Шу сабабли, - деб уқтиради Форобий, - бир вақт келиб унда энг муносиб кишилар етишиб чиқиши эҳтимодан ҳоли эмас... Бундай шаҳардан саҳоватли шаҳар қисмлари ажралиб чиқиши мумкин”.

Форобийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларидаги демократик унсурларни таъкидлаш билан бирга қуйидагиларни таъкидламоқ керак: мутафаккир “жаҳолатли шаҳарлар”да, кам ривожланган мамлакатларда, маданий тамаддундан йироқ халқларда халқ ҳокимияти мутлақо номақбулдир, деб ҳисоблаган эди. Форобийдаги зиддият шундан иборатки, бир томондан у якка ва шахсий эркинликка хайрихоҳлик билан қараган бўлса, иккинчи томондан адолат ва тенг ҳуқуқийликка “қаттиқ қўл” (аммо доно) ҳукмдорнинг қатъий раҳбарлиги ва раҳномолиги билан эришишга чақирди.

Мутафаккир назаридаги саҳоватли шаҳарда санъат, фан турларини, касб-корни, кўнгили очар тадбирларни эркин танлаш имконияти мавжуд; яхши хулқ-атворлар, одат ва анъаналар ҳукмрон; аҳоли ҳар қандай зўравонликни рад этади, энг истеъдодли, юксак маънавиятли ва энг мақбул кишиларни ҳукмдорликка кўтаради; фуқаролар ўз ватанини душмандан ҳимоя қилишга ўз юртида тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашга тайёр ва қодир.

Форобий эркинлик ва тенг ҳуқуқликни умумбашарий кадриятлар, деб ҳисоблади, аммо, юқорида айтилганидек, бошбошдоқликка йўл қўймайдиган ва эзгу фазилатларни ривожлантириш учун шароит яратишга қодир бўлган каттиқ қўл бошқарувисиз ялпи бахт-саодатга эришиб бўлмайди, деб ўйлаган эди. У ижтимоий адолатни ижтимоий турмуш меъёри деб, шаҳарнинг бутун аҳолиси фойдаланадиган умумий неъматларни одилона тақсимланиши деб тақсимланган неъматлар сақланиб қолишининг гарови, деб тушунар эди. Шундай қилиб, Форобий таълимотига кўра адолат-имкониятлар ва тақсимотдаги тенгликдир.

Фуқаролик жамияти - шаҳар-давлат икки усулда бошқарилади: биринчиси, ҳақиқий бошқарув бўлиб, унда фуқароларнинг чинакам фаровонлигига олиб борадиган турмуш, ижтимоий ҳаракатлар, маънавий меъёрлар ва ўзаро ҳурмат қарор топган бўлади, одамларнинг бундай уюшмаси, аслида, моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан энг мақбулдир, иккинчиси, соҳита бошқарув бўлиб, унда қарор топган инсон ҳаёти, ижтимоий муносабат, ахлоқ одоб қоидалари ва ижтимоий табақаланиш типлари фақат бахт-саодатга етакчи бўлиб туюлсада, аслида бу мақсаддан чалғитади. Сохта бошқарув усули жаҳолатли давлатларга хосдир.

Фуқаролик жамияти, жумладан, уни бошқариш икки хил тарзда содир бўлади: биринчиси - ижтимоий муассасаларнинг мавжудлиги ва амалий фаолияти умумий қонунлари тўғрисидаги назарий билимларни ўрганиш, аниқлаш ва оммалаштириш бўлса, иккинчиси - мамлакатдаги ва бошқа жойлардаги жамоат муассасаларининг амалий фаолият тажрибасини йиғиш, таққослаш ва тарғиб қилишдир.

Форобийнинг фикрича, назарий билимлар билан амалий тажрибани, албатта, бирга қўшиш туфайли

фуқаролик жамиятини барпо этишнинг олиймақом моделини яратиш мумкин.

Форобий давлат билан жамият ўртасидаги тавофутни англаган ҳолда ўз давридаги ижтимоий тузилмани батафсил тадқиқ қилади. У ижтимоий табақаланиш яшаб келаётганлиги, мавжудлиги ва истикболларини мутлақо табиий бир ҳол деб ҳисоблаб, бўйсундурувчилар ва бўйсунувчиларнинг бир неча категориясини ажратиб кўрсатади, у жумладан бундай деб ёзади: “Шаҳарда муайян инсон-бошлиқ бор ва ўз табақаларига кўра шу бошлиққа яқин бошқа кишилар ҳам бор, шу кишиларнинг ҳар бири ўз мавқеи, қобилиятига кўра бошлиқ белгилаб берган мақсадга мувофиқ ҳаракат қилади. Бу кишилар биринчи пиллапояда туради, улардан кейинги кишилар биринчиларнинг мақсадларига мувофиқ ҳаракат қиладилар ва иккинчи пиллапояни эгаллайдилар. Улардан кейинги кишилар ўзларидан олдинги пиллапояларнинг мақсадларига биноан ҳаракат қиладилар. Шу тарика шаҳар уюшмасининг турли аъзолари ўзидан олдингиларнинг мақсадларига мувофиқ ҳаракат қиладиган тартибда жойлашадилар, сўнгилар фақат хизмат қиладилар, аммо уларга ҳеч ким хизмат қилмайди. Улар энг куйи пиллапояни эгаллайдилар ва энг куйи ҳолатда турадилар”.

Форобийнинг фуқаролик жамияти “табиий” сабаблар билан асосланган бўлишига қарамай одамлар ўртасидаги табақавий, синфий тавофутларни сақлаб қолади. Идеал саховатли шаҳарда ҳукмдор ҳам, жамоат бирлашмаси бошлиқининг розилиги билан амалий ҳаракат қиладиган фуқаролар ҳам бор. Мазкур фуқаролар ижтимоий табаканинг юқори поғонасини эгаллайдилар, деб таъкидлайди Форобий. Улар кетидан биринчи поғонадагиларнинг мақсадларини амалга оширадиганлар, ўзидан юқори поғонадагиларнинг мақсадини амалга

оширадиганлар ва ҳоказолар мавжуд бўлиб охиргилари энг паст табақада турадиган кишилардир.

Мусулмон Шарқининг бошқа кўпгина атокли ислохотчи, маърифатпарварлари каби Форобийнинг ҳам ижтимоий турмушни ижтимоий утопия (хаёлот) асосида қайта қуриш йўлидаги урунишлари олий даражада мактовга лойиқдир. Биз, совет илмий адабиётида қилинганидек, Форобий таълимотининг аниқ мазмунини хаёлий пуч бир нарса, деб айтишга ҳақимиз йўқ, у ижтимоий тараққиётнинг чуқур сабабларини ҳозиргидек тушунмаган, деб унинг одамлар ҳаётини ўзгартириш йўллари тўғрисидаги тасаввурини камситмоқчи эмасмиз. “Ақл-идрокнинг ялпи ҳукмронлиги” бир орзу ва олий мақсад бўлиб, ўзидан ҳам дадилроқ ғоялар ва йўл-йўриқларга замин яратди.

Форобийнинг фуқаролик жамияти тўғрисидаги назарияси мутафаккирнинг барча издошлари қарашларига жуда катта таъсир ўтказди. Ибн Сино, Беруний, Ибн Рушд ҳам инсонни фуқароларга хос ҳислатларга эга бўлган мавжудот деб тан олиб, одамларнинг саҳовати ва қобилиятлари фақат биргаликда яшагандагина ривожланади, деб ҳисобладилар. Чунончи, Берунийнинг таъкидлашича, инсон “Эҳтиёжлари кўплиги ва сабр-қаноати камлиги оқибатида ҳимоя воситаларидан маҳрумлиги ва душманларнинг кўплиги сабабли муқаррар равишда ўзаро ёрдамлашиш ҳамда ўзини ва бошқаларни таъминлайдиган ишлар билан шуғулланиш учун элатлари билан бир жамиятга бирлашишга муқаррар мажбур бўлган”. Ибн Сино эса бундай деб ёзган: “Инсон бошқа мавжудотлардан шу билан фарқ қиладики, агар у ўзининг энг зарур эҳтиёжларини қондиришда ёрдам берадиган мадақкорга таянмай яққаланиб, бир ўзи яшаса, ўз ишларини фақат ўзи бажарса, омон-эсон қола олмаган бўлади”. Аверроэс асарларида ҳам Форобийнинг

ижтимоиётга хос баъзи ғоялари сезилади: “ҳаммадан кўра кўпроқ мукаммалик биргаликда олинган кўпгина индивидларда мавжуд бўлади, деб ёзган эди Ибн Рушд. - Айрим индивид учун бошқаларнинг ёрдамисиз бирон-бир саховатни кўлга киритиб бўлмаслиги равшан. Инсон саховатга эришмоқ учун бошқа кишиларга муҳтож бўлади, шу сабабли у ўз табиатига кўра фуқаро мавжудотдир”.

Форобий ижтимоий турмуш камчиликлари ва иллатларини танқид қилганида уни тубдан қайта қуришни асло талаб қилмаганлиги, балки уни такомиллаштириш тарафдори бўлганлиги тушунарли.

Форобийнинг асарлари ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ёритишга бағишланган бўлиб, уларда асосини идеал давлат ташкил этиш ҳақидаги қарашлар ўрин олган, одил жамиятнинг қонун-қоидаларини ишлаб чиқишга катта ўрин берилган эди. Форобий ўз қарашлари ва фикрларининг ҳаётийлигига қарамай, кшп асрлар муқаддам давлат демократик кўринишини; тузилма ва мазмун сифатларини илғаб оладиган ҳамда кўрсатиб берадиган қатор элементларни камраб олган ўз феноменининг у ёки бу даражада кенгайтирилган тузилишини назарий жиҳатдан қуришга муваффақ бўлди. Масалан, у санаб ўтадиган подшолик, киборлик, диктатура каби бошқарув шакллари рўйхатида демократияни, яъни “бошлиқ ҳам, тобе ҳам бўлмайдиган” халқ ҳокимиятини фарқлаб кўрсатади.

Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асаридаги давлат, унинг қурилиши ва бошқаруви билан боғлиқ ғоялари катта аҳамиятга эга. Форобий ўз фаолиятида ўз даври учун илгарилаб кетган юксак даражадаги (идеал) давлат қурилиши ҳақидаги назарияга таянган ҳолда, фозил жамият қуриш тамойилларини таҳлил этган. Мутафаккир орзусидаги ушбу идеал давлат ғоясини назария соҳасида ўз ақлий салоҳиятининг яхлит тизимини яратишга муваффақ

бўлган. Ушбу фозил давлат ҳақидаги қарашлар, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қурилиши ва бошқарувининг тузилмавий жиҳатлари, мазмун ва моҳиятини, ҳамда имкониятларини очиб берувчи қатор ғояларни ўз ичига олган таълимотлиги билан ҳам қимматлидир.¹

Бундай давлатда "аҳоли инсоннинг ҳақиқий турмуши, унинг яшаши, таъминоти во саломатлигини сақлашига дахлдор энг юксак мезонларга эришишда "бир-бирига кўмаклашади" ва "барча ўз хизматларига яраша бойлиқдан улуш олиши керак, акс ҳолда бу адолатсизлик бўлади".²

Фаробий таълимоти давлат ва жамиятга шарқий утопик қарашга асос солди ва таълимот кейинчалик олимнинг турли соҳалардаги қарашлари олимлар томонидан ўрганилган ва татбиқ этилган.

Улар ўз замонларининг ҳақиқий воқеалари ва амалиётдан келиб чиқиб, бу таълимотга кўплаб янги муҳим жиҳатларни, аниқликларни киритдилар, қатор қоида ва принципларини ойдинлаштирдилар. Масалан, Кошифий сиёсатсиз ва бошқарувсиз давлат бўлмайди, чунки уларсиз "дунёнинг муҳим ишлари тартибли олиб борилмайди. Агарда тарбия ва жазо тўғрисида қонун бўлмаса, давлатнинг ишларига путур етади" деб ҳисобланади.³

У бошқарувнинг икки турини: ўз қалбини бошқариш ва тобеларни (фуқароларни) бошқаришни фарқлайди. давлат аппаратининг мураккаб тузилмасига, уни бошқаришдаги улкан қийинчиликка эътиборни қаратади. Давоний эса, давлатсиз жамиятда тартиб ўрнатиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бошқарув бўлмаса

¹ Қаранг: Фароби. Гражданская политика.- В кн.: Аль-Фараби Социально-этические трактаты Алма-Ата, 1973. 156 бет.

² Қаранг Социально-утопические идеи в Средней Азии. –Т. "Фан", 1983, 37-38 бетлар.

³ Қаранг: Ўша ерда, 121 бет.

ўзаро кўллаб-қувватлаш тартибга тушмайди, ҳар бир киши ўз манфаатларидан келиб чиқиб бошқа кишига зарар етказди.

Бу келишмовчиликларни бартараф этиш мумкин. аммо бунинг учун ҳокимият уларнинг танкидий материалларидан вазиятни яхшилаш йулида фойдалана олиши ва улар билан келишган ҳолда ишлаши талаб этилади.

Зеро, бугунги кунда давлатимиз олдида турган муҳим муаммоларни ҳао этишда шарқ мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий меросидан фойдаланиш, ўрганиш муҳим аҳамият касб этишини унутмаслигимиз лозим. Жумладан, И.А.Каримов “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари” китобида “мустақилликка эришилгач, халқимиз олдида кескин турган муаммолар ҳақида тўхталди.

Уларни ҳал қилмасдан туриб, демократияни ва ҳокимиятни тақсимлаш принципларига асосланган янги давлатчиликни барпо этиш, демократик ҳуқуқий давлат куриш мумкин эмас эди”, деб таъкидлаб ўтган эди. Шунингдек, ушбу асарида Президентимиз асосий вазифа сифатида янги давлатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий, конституциявий асосларини яратиш зарурлигини кўрсатиб ўтади.

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик даврида давлатчилигимизнинг мустаҳкам қонуний асоси яратилди. Жумладан, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. 2002 йил 4 апрелда “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисидаги”, 2002 йил 12 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Сенати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси тўғрисида”ги

Конституциявий қонунлар, 2003 йил 29 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги, янги таҳрирда қабул қилинган “Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонунлар давлат ҳокимияти тормоқлари ривожланишини янги босқичга кўтарди.

Шунингдек Президентимиз И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида: “ҳозирги шароитда Ўзбекистоннинг янги давлатчилигини мустақамлаш учун жамиятнинг сиёсий институтлари тизимида давлатнинг ролини янада аниқроқ белгилаш керак”⁴, деган ғояни илгари сурган.

И.А.Каримов ўзининг “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз”, деб номланучи асарида шундай дейди: “давлатнинг куч-қудрати бошқарувнинг барча ваколатларини ўз зиммасига олиши ҳамда давлат идораларининг ҳукм ва тазйиқ ўтказувчи орган сифатидаги вазифаларини кучайтириш билан белгиланмайди.

Давлатнинг куч-қудрати-аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бериш қобилияти билан ўлчанади.”⁵

⁴ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б.160.

⁵ И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -Б.11-12.

Шу билан бирга, президентимиз ўз асарларида, маърузаларида фуқаролик жамияти тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтади. У Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари номли асарида “Биз учун фуқаролик жамияти-ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади”⁶, дейди.

Шунингдек, И.А.Каримов Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз номли асарида “Фуқаролик жамияти бу-ўзини-ўзи бошқаришдир. Унинг биринчи ва асосий тамойили шу”, “ўзини ўзи бошқариш органлари-бизнинг келажагимиз. Фуқаролик жамияти қурмоқчи эканмиз, унинг асосларини ташкил этувчи пойдевор мана шу органлар бўлади”⁷, деган ғояларни илгари суради.

“Маърифатли дунёда “фуқаролар давлати” деб гапирилмайди. “Фуқаролар жамияти” дейилади. Давлат бошқа нарса, фуқаролар жамияти бошқа нарса. Бундай жамиятда давлат ташкилотларидан кўра жамоат ташкилотларининг кадри баландроқ туради. Куч ишлатувчи тузилмалар, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият давлат ташкилотлари тизимига киради.

Жамоат ташкилотлари эса фуқароларнинг ихтиёрий бирлашиши асосида ташкил топади. Биз бунга эришишга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Шунинг учун ҳам бизнинг асосий мақсадимиз-бир киши ёки жамоат ташкилотларининг фикри давлат

⁶ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.-Б.173.

⁷ И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9.-Т.: Ўзбекистон, 2001. Б.317-322.

тузилмаларининг фикридан устунроқ бўладиган фуқаролар жамияти куришдан иборат”⁸ дейди.

Юқорида биз Президентимиз И.А.Каримовнинг демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш ҳақидаги фикрларини таҳлил қилиб чиқдик. Улардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Давлат қурилиши соҳасида қуйидагилар асосий вазифалар ва тамойиллар бўлиб хисобланади:

- Давлат ислохотларнинг бош ташаббускори ҳамда уларни мувофиқлаштирувчи асосий куч бўлиши;

- Давлат бозор иқтисодий муносабатларига вазминлик билан, пухта ўйланган ҳолда, босқичма-босқич ўтишни амалга ошириш;

- давлатчиликни шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролар жамиятини қарор топтириш учун ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор бериш;

- аждодларимизнинг қадимий маданиятидаги барча улугвор кадриятларни тиклаш;

- буюк меросимизни жаҳон цивилизациясининг барча ютуқлари билан бирлаштириш;

- қонунлар ва анъаналарни ҳурмат қилиш;

- Бошқа давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантириш.

Демократик-фуқаролик жамият эса қуйидагиларга асосланиши лозим:

- инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ва уни амалга ошириши;

- озчиликнинг қўпчиликка бўйсунуши;

- барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

- давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги;

⁸ И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.80.

- давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши;

- тайинлаш йўли билан шакллантириладиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар.

Демократик жамиятда ҳокимиятлар декларациялари, ваъдалари, келажакда амалга ошириладиган дастурлари билан эмас, балки ҳудудда тинчлик, тортиб хотиржамликка эришиш бўйича амалий ҳаракатлари ва қадамлари. одамлар ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкини муҳофаза қилиш бўйича самарали тадбирлари билан кучлидир.

Юқоридаги мушоҳадаларни ҳулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистан Республикаси ҳуқуқий жамият куриш йўлида демократия ва ҳокимиятнинг бутун имкониятларидан фойдаланмоқда, бу борадаги ҳамма тадбирларни амалга оширмоқда, давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш учун давлат курилишида ўз тарихий анъаналаридан тўла фойдаланмоқда. Ўтиш даврида республиканинг бутун ҳаракатлари қонунчилик асосларини яратишга йўналтирилди, бундан мақсад демократик ҳокимият тузилмаларини шакллантириш, давлат идораларини демократияни ҳимоя қилиш бўйича вазифа ва ваколатларининг бўлишидан иборатдир. Бу жараёнлар жиддий ва зиддиятли кечмоқда, чунки бир тузум ўрнига иккинчи бир тузумнинг келиши натижасида янги тузум шаклланиши жараёнида эскича усул ва методлар аралашиб қолади, шунингдек, демократик жараённи маъмурий буйруққа хос ёндашув эгаллашга ҳаракат қилади. Бу догматик қарашлар ва эски андозаларни енгиб ўтиш учун тузилмали-субординация алоқалари ва муносабатларини қайта куриш, профессионал таълим мажмуини ўзгартириш, уларни янги жамият кадрлари ва мутахассислари тайёрлаш

ва тарбиялашга йўналтириш зарур. Энг муҳими ўтиш даврида ҳокимият тузилмалари ижтимоий институтлар ўзини ўзи бошқариш ташкилотларига қарама-қарши бўлиб қолишига, давлат идораларини сиёсатлаштириш ва мафкуралаштиришга, уни қандайдир бирор партия ёки ҳаракат куролига айлантириб қўйилишига йўл қўймаслик лозим.

Давлат ва жамият қурилиши, дунё халқларининг келажаги кўп жиҳатдан ўша даврдаги Шарқ мутафаккирлари томонидан ишлаб чиқилган ва яратилган илмий асарларда белгилаб берилган

Мутафаккирлар томонидан сиёсий-ҳуқуқий таълимотларда ҳуқуқий давлат барпо этишда ўзига хос кадрлар сиёсати ҳам таклиф қилинган. Бу сиёсат амалдорларни, қонун назоратчиларини, шаҳар ҳокимларини ва бошқа раҳбар ходимларни онгли, оқилона танлашга асосланган.

“Тенгсизлик бўлган ерда адолат йўқ”.

Адолатсизликни қалқон қилиб олишдан даҳшатлиси йўқ.

АРАСТУ

Феруза Муҳиддинова

**ҚАДИМ ЮНОН ҲАМДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ
МУТАФАККИРЛАРИ ҚАРАШЛАРИДА
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ
ТАСАВВУРЛАР, ҒОЯЛАР...**

Муҳаррир: *С.Салимова.*

Техник муҳаррир: *Ж.Абдужалилов.*

Мусахҳих: *Н.Мирзажоновна.*

Компьютерда саҳифаловчи: *А. Худайбергенова.*

Босишга рухсат этилди: 13.12.2005.

Ҳажми: 2,4 б.т. Адади: 100. Буюртма: № 689

ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.